

Ботир ВАЛИЕВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
доценти, фалсафа фанлари номзоди

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ НАЗАРИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ҳозирги тобора глобаллашиб бора-
ётган, шу билан бирга кўп қутбли,
кўпконфессионал ва турфа хил халқлардан
иборат дунёда ижтимоий фалсафий назария
олдида ижтимоий воқеликни қайта англаш
эҳтиёжи вужудга келган. Бу эҳтиёж ҳозирги давр
воқелиги, тараққиёт талаблари ва мезонларининг
ўзига хослиги билан белгиланган. Замонавий
фалсафий тафаккурнинг ушбу йўналишдаги
вазифалари ижтимоийликнинг моҳиятини
анчагина мавҳум тушунтириб келган метафизик
ижтимоий моделлар ва таълимотлардан
фойдаланиш билан чеклана олмайди. Фалсафий
назариянинг долзарб вазифаларидан бири
ижтимоий-тарихий жараённинг “чўққиси”
(формациялар алмашинуви, метатарих каби)
ёки “якуни” (тарихнинг тугаши, учинчи тўлқин,
цивилизациялар тўкнашуви каби) тўғрисидаги
таълимотларни¹ давом эттириш ёхуд яна
бир янгиси билан тўлдириш эмас, балки

ижтимоий воқеликни қайта англаш орқали,
унинг янги қирралари мавжудлигини онтологик
ва методологик жиҳатдан асослашдадир.
Айнан шу жиҳати билан ижтимоий воқеа
ва ҳодисаларни муаммо сифатида тадқиқ
этишнинг янги методологик вазифаси келиб
чиқади. Шунингдек, онтологик жиҳатдан
фалсафа ижтимоий ҳаёт тажрибасини
умумлаштиришга қайтади, мавҳум онтологик
масалалар конкретлашади, ҳаётий, амалий
муаммолар билан бевосита боғланади.
Ижтимоий воқелик эса, такрор намоён бўлувчи
шакллар билан ҳеч қачон тугалланмайдиган,
чекланиб бўлмайдиган конструктив очиклик ва
жўшқинлик билан янгиланаверади.

Ижтимоий воқелик мавжудлигининг
асослари ҳақидаги қарашлар ижтимоий
таълимотларда доимо таъкидлаб келинган.
Бироқ, бу таъкидлашлар у ёки бу даражада
бир-бирини такрорлаб келмаганини ҳисобга
олиш муҳимдир. Бугунги ёндашув ҳам ўзидан
олдинги талқинларни такрорламаслигини
таъминлашнинг аҳамияти катта. Шу билан
бирга, тарихнинг якунийлигини асослашларга
ишонмаслик, “асосланишлик” тамойилини
умуман бекор қилиш дегани эмаслигини ҳисобга
олиш лозим. Асослаб берилмаган ижтимоий

¹ Қаранг: Поппер К. Ницета историцизма. М.: Про-
гресс, 1993.; Тоффлер Э. Третья волна. М.: АСТ, 2002.;
Уайт Х. Метаистория. Екатеринбург: Изд-во Урал
ун-та, 2002.; Фукуяма Ф. Конец истории и последний
человек. М.: Аст, 2015.; Хангтингтон С. Столкновение
цивилизаций. М.: АСТ, 2003.; Шпенглер О. Закат Евро-
пы: очерки морфологии мировой истории. М.: Мысль,
1993.; Ясперс К. Смысл и назначение истории. М.: Ре-
спублика, 1994.

ходисаларнинг мавжудлиги, уларнинг асослари йўқлигини билдирмайди, балки уларнинг англаб етилмагани, мавжуд ўзгаришлари, намоён бўлиш имкониятининг шартлари, сабабий боғланишлари аниқланмаганидан далолат беради. Бундай ёндашувдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ходисаларнинг асосланиши тугал ёки мутлақ бўлмаган шароитда ҳам, уларнинг мавжудлиги қандайдир асосга эга бўлиб қолаверади. Ижтимоийлик мавжудлигининг ўзиёқ, унинг ўзини жамият ҳаёти асосига айлантиради. Бу асос воқелик мавжудлигининг имкониятларини шартлаб берсада, воқелар давомийлиги чеклангани ҳисобига, ўзгариб бораверади ҳамда уларни тарқ эта бошлайди. Ўз навбатида, бирор асоснинг йўқолиб бориши эса, бошқа асос мавжудлигини инкор қилмайди. Ижтимоий тизим доирасидан чиқишнинг очиқлиги амалий ҳаётга хос бўлиб, ижтимоий воқеликнинг ёпиқлиги, тоталитарлашуви унинг иложсиз ҳолати сифатида ўзгариб бораверади.

Ижтимоий ҳаётни қайта англаш вазифаси, нафақат унинг концептуаллашувига оид метафизик қарашлар доирасидан чиқиш зарурияти, балки ҳозирги ижтимоий воқелигимизни яхлит фалсафий англаш ва истиқболини тасвирлаш эҳтиёжи билан ҳам белгиланган. Шу ўринда, ижтимоий-фалсафий назарияни ривожлантириш заруриятини кўрсатувчи хусусиятларни фарқлаш мумкин бўлади. Улар замонавий ижтимоий-фалсафий билимлар ривожланишининг истиқболига маълум мўлжалларни ва йўналганликни бахш этади, деб ҳисоблаймиз.

Биринчиси, ҳозирги кишилик дунёсининг янги, ўзига хос ижтимоий воқеликка айланганидир. Фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанларда ижтимоий воқеликнинг ўзгариб янгиланиб бораётганини ифодаловчи кўплаб тушунчалар мавжуд: “глобаллашув”, “глокаллашув” (глобал ўзига хослик касб этиб бориш), “мондиаллашув” (умумий овозга эга бўлиб борилиши), “виртуаллашув”, “гибридлашиш”, “тармоқлашган ёки ахборотлашган жамият”, “постиндустриал

жамият” кабилар² шулар жумласидандир. Бундай тушунчаларнинг ҳар бири ўзига хос нодир жараёнга урғу бериши билан ажралиб туради. Шу билан бирга, уларнинг мазмунида умумийлик мавжудлигини ҳам эътироф қилиш мумкин. Янги ижтимоий воқелик ижтимоий алоқаларнинг бир вақтда макон ва замон жиҳатидан кенгайиши ва торайишини келтириб чиқарди. У бир томондан – кенгаймоқда. Кишилик дунёси феномени, уларнинг биргаликда, бир макон ва замонда мавжудлиги ер планетаси чегараларидан ташқарига чиқиб бормоқда. Бошқа томондан – тораймоқда. Чунки, дунё одатий ва яқин бўлиб бормоқда. Глобал ҳамжамият, ҳамкорлик ва алоқалар барчамизнинг дунё микёсидаги жараёнлардаги иштирокимизни, ўзаро мавжудлигимизни, хилма-хиллик ва аралаш ҳолатларини одатий кўринишга олиб келмоқда. Макондаги умумийлашув эса ташқи, бошқа дунёдан фарқ қилувчи ягона инсоният дунёси шаклланишига олиб келмоқда.

Дунё ҳар доимгидек турфа хил муносабатлардан тузилган. Янги дунё ҳам ўзаро муносабатларда, бир бутун ягона дунё сифатида мавжуд бўлишга хос маконга айланган. Янги ижтимоий воқелигимиз борлиққа янгича ёндашувни талаб этади. Унда тафовут ва кўпхиллик ғояси, маъно-мазмундаги ўзига хослик, муносабатлардаги горизонталлик муҳим ўрин тутди.

Иккинчиси, борлиққа оид қарашларимиз ижтимоий воқелигимизнинг теологик тузилиши доирасидан чиқиши билан шартланганлигидир. Онтологик қарашлардаги янгиланиш XX асрда М.Хайдеггернинг ижтимоий борлиқ деструкцияси ҳақидаги таълимоти³ билан боғлиқ. Онтологиядаги янгиланиш унинг

² Қаранг: Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования. М.: Академия, 2004.; Гидденс Э. Устроение общества: очерк теории структуризации. М.: Акад. проект, 2005.; Кемеров В.Е. Общество, социальность, полисубъектность. М.: Акад. проект, 2012.; Узбастер Ф. Теории информационного общества. М.: Аспект пресс, 2004.

³ Қаранг: Хайдеггер М. Время и бытие: статьи и выступления. М.: Республика, 1993. С. 93–111.

деэссенциаллашуви ҳисобига кечади⁴. Яъни, анъанавий равишда онтология мавжудлик ҳақидаги таълимот сифатида тушуниб келинган бўлса, Хайдеггер қарашида онтология мавжудликни инсон моҳиятига муносабатни тадқиқ этиш сифатида тушунтирилади. Онтология борлиқ моҳиятини инсон учун тадқиқ этишга ўтади. Шундай қилиб, онтологик бурилиш борлиқни субстанция сифатида белгилаш доирасидан чиқади. Натижада инсон дунё мавжудлигининг субстанцияси сифатида кўрилади. Онтология мавжудлик моҳиятини ўрганишдан, биз учун моҳиятни тадқиқ этишга айланади. Бу ерда “биз” тушунчаси онг, тана, тил, белгилар, ҳокимият, ижтимоий тузилмалар ва шу каби инсониятга хос ҳодисаларни англатади. Оқибатда онтология антропологик, социологик, лингвистик, герменевтик, коммуникатив каби турли йўналишдаги таълимотлар шаклида намоён бўлади. Бундай бурилиш онтология учун имконсизлик шароитини келтириб чиқаради. Зеро, борлиқ доимо билвосита намоён бўлишини ҳисобга олганда, бу воситалиликнинг чекланиши ёки тўхташи оқибатида - онтология “имкониятсиз лойиҳага” айланади⁵. Ва айнан шу сабабли, борлиқ бир вақтда ҳам назаримиздан четда қолаётган нукта сифатида, ҳам моҳиятга оид дискурс чегараси сифатида ўткир муаммога айланади. Бу сабабларни ҳисобга олиш, онтологиянинг янгиланиши унинг онтотеология чегарасидан чиқиши билан алоқадорлигини кўрсатади. Зеро, онтология илгари онтотеология бўлган бўлса, энди у қандай таълимот бўлиши ҳақидаги савол келиб чиқади. Агар, онтология дунё мавжудлигининг сабабини, асосини тушунтирувчи таълимотлигича қолса, унда борлиқ ҳақидаги масалага ўтиш, бошқача онтологияга ўтишни билдирмаслиги лозим бўлади.

Учинчиси, эссенциализм ва конструктивизм чегараларидан чиқиши билан фаркланувчи янги эпистемологиянинг шаклланишидир.

Улар билим ва реаллик, фикр ва воқелик муносабатларига оид масалалар бўйича қарама-қарши позицияларни ифодалайди. Эссенциализм нуктаи-назаридан, моҳият барқарор, ўзгармас негизга эга. Шунинг ҳисобига, моҳият ҳодисаларнинг барча ўзгаришлари ва айнишларига, ўзаро таъсирлашишларига қарамай, ўзига айнанлигини сақлаб қолади. Билим, охи-роқибатда ана шу негизни билишга олиб боради. Ҳар қандай воқеаларнинг моҳияти билимда ифодаланувчи ана шу негиздан келиб чиқади. Бошқачароқ айтганда, дунё доимо реаллик билан белгиланади. Аксинча, конструктивизм билимнинг субъекти ва объекти орасидаги узвий алоқадорликни тан олади, ва шундан келиб чиқиб, фикр билан воқелик муносабатлари муаммосини қўяди. Ана шу алоқадорлик характерида кўра конструктивизмнинг қўплаб кўринишлари фарқланади.

Янги эпистемология ўзининг дунёни ноэссенциалистик, лекин реалистик тушунтириши билан фарқланади. Унда дунё билимларда тақдим этилувчи нарсаларнинг статик йиғиндиси эмас, балки вужудга келувчи ва давом этувчи жараён, воқелик сифатида тушунилади. Олам тафовутлардан ташкил топган. Фаркланишларнинг тезлиги, материя ва энергиянинг оқимлари борлиқнинг геологик, биологик ва ижтимоий шакллари келтириб чиқаради. Зеро, борлиқ ўзининг шакллари генерацияловчи тегишли ресурсларига эгадир. Морфогенез эса, воқелик келиб чиқишига жавоб берувчи ўзи-ўзидан ташкиллашув жараёнлари билан боғланади⁶.

Ижтимоий-фалсафий назариянинг ривожланиш тенденцияларини кўрсатувчи хусусиятлар ҳозирги босқичда ижтимоий воқеликни фалсафий англашнинг ўзига хослигини ва ривожланиш истиқболини янада аниқроқ тасаввур этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, замонавий ижтимоий-фалсафий назария ривожланишининг истиқболига

⁴ Қаранг: Нанси Ж.-Л. Бытие, единичное и множественное. Минск: Логвинов, 2004. С. 67–75.

⁵ Қаранг: Деррида Ж. Структура, знак и игра в дискурсе гуманитарных наук. М.: Акад. проект, 2007. С. 89–94.

⁶ Қаранг: Керимов Т.Х. Социальная философия: учебник. Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2018. С.128–139.

ўзига хос мўлжал ва йўналганликни бахш этувчи масалалардан бири – фан ва дин муносабатларининг хусусиятлари ва тенденцияларидир.

Маълумки, фан ва дин муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан баҳс-мунозаралар тарихдан бугунга қадар давом этиб келмоқда. Айрим олимлар томонидан дин ва фаннинг бир-бирига зид экани, дин бор жойда фан, фан бор жойда эса дин бўлмаслиги ҳақидаги фикрларнинг илгари сурилгани бунга мисолдир. Манбаларда қайд этилишича, бундай қарашларнинг пайдо бўлиши ўрта асрлар католик черковининг фаолияти билан боғлиқдир. Ўша даврларда ҳукмронлик қилган инквизиция минглаб кишиларнинг бегуноҳ қурбон бўлишига сабаб бўлган. Илмий изланишлар, олимлар черков томонидан қатъий равишда таъқиб остига олингани ҳаммага маълум.

Ислоҳотчилик ҳаракатларининг бошланиши, хурфидрилилик намояндаларининг пайдо бўлиши ва Европа жамиятидаги секуляр тенденциялар натижасида фан диннинг таъсири остидан чиқди. Шундай бўлса-да, фан соҳаси вакилларига нисбатан амалга оширилган адолатсизликлар олимларнинг ижодий фаолиятида ўз изини қолдирди. Зеро, ўша давр илмий муҳитида фан ва дин ўзаро боғлана олмаслиги, бу икки тушунчани уйғунлаштириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги айрим хулосалар ҳам илгари сурилди. *Айни пайтда, табиий-илмий қарашлар ривожига улкан ҳисса қўшган яна бир гуруҳ* олимлар дин ва фанни ўзаро уйғун феноменлар сифатида талқин этганларини ҳам таъкидлаш жоиз. Уларнинг фикрича, дин фанни, фан эса динни инкор этмайди, аксинча, дин илм-фанни ўрганишга тарғиб қилади, фанни чуқур ўрганиш эса эътиқодни инкор қилиш, дегани эмас.

Фанни диний ва дунёвий асосларга кўра, туркумлаш, секуляриллашув жараёнининг авж олиши, теократик давлатларнинг кулаши, хурфидрилилик, маърифатпарварлик ғояларининг ривожланиши натижасида давом этди. Бироқ, баъзи ҳолларда, дунёвий илм

эгалари умуман динсиз бўлиши кераклиги, диндорлар ва дунёвий олимларнинг ўзаро икки қарама-қарши қутблар экани ҳақидаги нотўғри қарашлар ҳам баён этилди. Шунингдек, баъзи даврлар ва минтақаларда, “дин – илм-фан ва тараққиёт, инсон хурфидрилиги душманидир”, қабилидаги ғоялар мафкура даражасига кўтарилгани ҳам, кўпчиликка маълум.

Тарих инсоннинг илм-фан билан шуғулланиши унинг диний эътиқодига, иймони эса олим бўлишига монелик қилмаслигини кўрсатади. Аксинча, ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни эгаллаш инсонни маънавий комиллик сари етаклайди. Зеро, Биринчи президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, “Дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди”.

Бугунги кунда фан ва дин муносабатлари янги босқичга кўтарилмоқда. Бир неча аср давом этган зиддиятлар барҳам топиб, инсоният учун муҳим ушбу икки соҳанинг ўзаро ҳамкорлик даври бошланди. Энди фан ва дин муносабатлари мувозанатини таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, инсоният диний хурофотлар устун бўлиб, илм-фан тушқунликка тушган даврда ҳам, ёки аксинча, дунёвийлик ҳукмрон бўлиб, дин умуман инкор этилган пайтда ҳам тўлиқ камолотга, бахтга эриша олмади. Фақат диний ва дунёвий илмларни уйғунлаштирган ҳолдагина тараққиётга эришиш мумкинлиги тобора теранроқ англаб етилмоқда.

Ҳозирда дунёнинг етакчи университетларида турли дунёвий факультетлар қатори илоҳиёт бўлимларининг ҳам мавжудлиги, диний тадқиқот марказларининг тузилгани, дунёнинг деярли барча давлатларида фуқароларнинг диний эътиқодидан қатъий-назар тенг ҳуқуқли, – деб эълон қилингани жамият ҳаётида динийлик ва дунёвийликнинг тобора уйғунлашаётганига мисолдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач диний ва дунёвий қадриятлар

уйғунлигини муҳим тамойиллардан бири деб эътироф этилди. Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгилашни жараёнини, туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, динга нисбатан курашувчан атеистик сиёсатга барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали қафолатланди.

Дин ва жамият ҳаётидаги диалектик алоқадорликда дин ва дунёвий давлат муносабатини белгилаб берувчи муҳим тамойиллардан бири – дин соҳасида кечаётган ўзгаришларни ҳолисона ва илмий ўрганиш, прогнозлаш ва шундан келиб чиқиб, ижобий жараёнлар ривожига янада кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишдир. Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи бошқа бир тамойил эса, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олишидир. Дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатида диндорларнинг ҳуқуқий мақоми ва давлат томонидан ўтказилаётган тадбирларда диний конфессиялар ҳақидаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишидек икки муҳим хусусият ҳам бор.

Конституциямизда бу масалалар ўз ечимини топган ва у халқаро ҳуқуқий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Конституциямизнинг 31-моддасида, жумладан, шундай ёзилган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Мазкур қоидада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаладиган асосий хусусиятлар ўз ифодасини топган: диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш; диний эътиқодларни фуқаролар ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб

тан олиш; диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг қафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик; маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати; диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш. Дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойиллар асосида амалга оширилади.

Умумий қилиб айтганда, дин ва фаннинг ўзаро муносабатига доир фикр ва қарашлар узок ва мураккаб ривожланиш йўлига эга. Аслида, динни фаннинг душмани, фанни эса, диннинг душмани, – деган фикр иккала феноменни яхши билмаслик оқибатида пайдо бўлишини таъкидлаш жоиз. Диннинг асл моҳиятини яхши билмаган кишилар фанни инкор қилишди, илми саёз бўлиб, ўз соҳасини тушунмаганлар эса, динни инкор қила бошлашди. Бугунги кунда, ижтимоий назариянинг, айниқса дин фалсафасининг асосий вазифаси ҳам мана шу хатоликларни кўрсатиб бериш орқали, дин ва фан диалектикасини объектив ёритишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда ҳар қандай ижтимоий фан соҳасининг, жумладан, дин фалсафасининг энг муҳим вазифаси, диний ва дунёвий билимлар ўртасида мўътадил муносабат бўлишини илмий изоҳлаш, унинг қонуният ва хусусиятларини очиб беришдир. Бунинг учун дин ва дунёвий фанларнинг ўзаро муносабатларини умуминсоний мақсад ва манфаатлар доирасида уйғунлаштириш имкониятларини топиш, мақсадга мувофиқдир. Зеро, ижтимоий фалсафий фанларнинг ғоявий-назарий имкониятларини шу масалани ҳал қилишга қаратишни умуминсоний тараққиётнинг ўзи такозо қилмоқда.